

2023 йил 25-январ

Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллуд топган кун. Улуғ жаидид 1875 йил 19 январда дунёга келган

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасида Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатчилигининг энг йирик намояндаси, янги давр ўзбек маданиятининг асосчисидир. Туркистон жаидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумхурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургиясини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист. У тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. XVI асрдан бошланган инқироз ва турғунлик, ўзаро жанжал, маҳаллий уруғчилик низолари миллатни ҳолдан тойдирган, имкондан фойдаланиб ўлкани забт этган Русия зўр бериб, уни турғун ва тутқун сақлашга уринарди. Мана шундай бир шароитда Ватанни бутунлай йўқ бўлиш хавфидан сақлаб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётта бошлаш жаидлар номи билан тарихга кирган Беҳбудий бошлиқ фидойилар зиммасига тушди.

Туркистонда «Усули жаид», «Усули савтия» номлари билан шуҳрат топган янги мактабни шулар ташкил қилиб, шулар биринчи бўлиб замонавий мактаб ғоясини илгари сурдилар. Улар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиклолга тайёрладилар, шеър ва мақолалар, саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. Русия қонунлари имкон берган даражада Туркистон мусулмонларининг шаъну шавкатини ҳимоя қилдилар, инқилоб йилларида эса мустақиллик байроғини баланд кўтардилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шу Туркистон жаидчилиқ ҳаракатининг асосчиси, бошлаб берувчиси эди. У 1875 йилнинг 19 январда Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида, руҳоний оиласида дунёга келган.

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyoanoat.uz/uz/manaviyat/ajdodlarga-ehtirom/mahmudxoja-behbudiy-tavallud-topgan-kun>